O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`KA TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎКА ТУМАНИ
ҲОКИМИ

110600 Бўка шаҳри, А. Қодирий кўчаси 1-уй. Тел: (0-370-57-36-200) Факс: (0-370-57-35-460)

QARORI
ҚАРОРИ

Бўка шаҳри 455 - сонли «12» 03 2018 йил.

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни хисобга олиш ва уларни техник холатини назорат килиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2012 йил, 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналари ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013й, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР КИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан катъий назар (туман Мудофаа ишлари бўлими, туман Ички ишлар бўлими ва туман Миллий хавфсизлик хизматидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжали ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман «Уздавтехназорат» инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (О.Душабоев)га юклатилсин.

5. Туман хокимининг 2017 йил 01 февралдаги 142-сонли «Тумандаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникаларини, шунингдек, машина-трактор парклари,

устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги карори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари У.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Н.Ю.Избосаров**

Бўка тумани хокимининг
2018 йил «12» 03 даги
455-сонли карорига
1-ИЛОВА

Кишлок хужалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник курикдан утказиш учун туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Гурух рахбари:

Туман Давлат техника назорати
инспектори. О.Душабоев

Гурух аъзолари:

Туман КСХБ чорвачилик буйича мутахасис Ш.Абдураимов

Туман Фермер, деҳқон томорқа ер эгалари Кенгаши раиси
К.Бойқўзиев

Ачамайли ММТП рахбари Ш.Кушбоев

Туман МТП АЖ рахбари А. Иброхимов

Агротехсервис МЧЖ рахбар К.Худойберганова

Бўка туман хокимлиги хуқуқшуноси Б.Абдусаломов

Бука тумани хокимининг
2018 йил «12» 03 даги
455-сонли карорига
2-ИЛОВА

Бука туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	ММТП ва КОРХОНАЛАР номи	Техник кўрик ўтказиладиган сана	Аник вакти
1	Бука туман Агротехсервис МЧЖ	02.02.2018 й	9-00
2	Бука туман МТП ОАЖ	03.02.2018 й	9-00
3	Ровот Султон Мирхайдар ММТП	04.02.2018 й	9-00
4	Ровот Тараккиёт Зиё ММТП	05.02.2018 й	9-00
5	Г.Азаатов ММТП	06.02.2018 й	9-00
6	Ачамайли ММТП	07.02.2018 й	9-00
7	Озод Диёр ММТП	08.02. 2018 й	9-00
8	А.Навоий Бука Файз М МТП	09.02. 2018 й	9-00
9	Б.Умаров ММТП	10.02. 2018 й	9-00
10	Улуғбек ММТП	11.02. 2018 й	9-00
11	Бек Тургун Ражабов ММТП	12.02. 2018 й	9-00
12	Автотехсервис ММТП	13.02. 2018 й	9-00
13	Гофуржонова Эъзоза ММТП	14.02. 2018 й	9-00
14	Сайдисломбек Хужакургон ММТП	15.02. 2018 й	9-00
15	С.Саймоков ММТП	16.02. 2018 й	9-00
16	Туркистон ММТП	17.02. 2018 й	9-00
17	Дустлик Замин ММТП	18.02. 2018 й	9-00
18	Жамбул Очил ММТП	19.02. 2018 й	9-00
19	Азим Бука Файз ММТП	20.02. 2018 й	9-00
20	Бахмал ММТП	21.02. 2018 й	9-00
21	Бустон ММТП	22.02. 2018 й	9-00
22	Кук Орол ММТП	28.02. 2018 й	9-00
23	Тулабой Отабоев ММТП	02.03. 2018 й	9-00
24	Гулистон Ф/У	03.03. 2018 й	9-00
25	Кишлокхужаликкимё	04.03. 2018 й	9-00
26	УХКО	05.03. 2018 й	9-00
27	Туман ободонлаштириш булимии	06.03. 2018 й	9-00
28	Туман йул курилиш булими	07.03. 2018 й	9-00
29	Бука давсувмахсуспудрат ДУК	08.03. 2018 й	9-00
30	Тех чорвасервис МТП	09.03. 2018 й	9-00
31	Туман пахта тозалаш заводи	10.03. 2018 й	9-00